

Г.А. Абдилакимов,
катта ўқитувчи, ТДИУ

АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ ТИЗИМИДА ИНВЕСТИЦИОН ҚЎЙИЛМАЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ ВА БОШҚАРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

В статье выражены взгляды на управление инвестиционной деятельностью в системе автомобильного транспорта и факторы, влияющие на нее. Автор описывает основы управления инвестиционной деятельностью в системе автомобильного транспорта с научно-теоретической точки зрения. Также, определенное внимание уделяется использованию методов моделирования в оценки эффективности инвестиционных вложений в системе автомобильного транспорта.

This article expressed views on the management of investment activity in the road transport and the factors influencing it. The author describes the basics of investment activity in the road transport from the scientific and theoretical points of view. Also, some attention paid to the use of techniques of modeling to assess the effectiveness of investments in the road transport.

Калитли сўзлар: инвестиция, инвестицион бошқарув механизми, автомобил транспорти тизими, инвестиция самарадорлиги.

Маълумки, инвестицион бошқаришнинг асосий мақсади - корхона инвестицион фаолиятининг турли жиҳатлари бўйича бошқарув қарорларини қабул қилиш ва уни амалга оширишнинг тамойиллари ҳамда услублари тизимини ишлаб чиқишдан иборатдир. Бунда корхонанинг умумий бошқарув тизими куйидаги таркибий қисмларни ўз ичига олиши мумкин:

- ишлаб чиқариш ва маҳсулот (хизматлар)ни реализация қилиш фаолиятини бошқариш - операцион менежмент тизими;

- молиявий фаолиятни бошқариш тизими - молиявий менежмент тизими;

- инновацион фаолиятни бошқариш тизими - инновацион менежмент тизими;

- корхонанинг бошқа функционал тизимларини бошқариш.

Инвестицион фаолиятни бошқариш тизими ўз навбатида юқорида қайд этилган бошқарувнинг ҳар бир алоҳида тизимчалари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, корхонанинг умумий бошқарув тизими уни бошқаришнинг бошқа функционал вазифалари билан ўзаро алоқалари иерархиясини ифодалайди.

Шундай қилиб, инвестицион менежментнинг бош мақсади корхона мулкдорларининг жорий даврда ва истиқболда максимал манфаатларини ҳамда унинг максимал бозор қийматини ошириш орқали таъминлашдан иборатдир. Бунда корхонанинг инвестициялаш бўйича қарорларини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш жараёнларини тартибга солишнинг асосий элементлари механизмларини ишлаб чиқиш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эгадир.

Шу ўринда алоҳида қайд этиш керакки, Ўзбекистон автомобил транспорти тизимининг функционал тузилмаси нисбатан мураккаб бўлиб, бир қанча ўзаро боғланган қуйидаги мустақил соҳаларни ўз таркибига қамраб олади: юклар ва йўловчилар ҳаракатини таъминловчи транспорт операторлари; автомобил йўллари лойиҳалаштириш, куриш ва эксплуатация қилиш; ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш бўйича логистик инфратузилмалар ва бошқалар.

Муаллифнинг нуқтаи назарида инвестицион бошқарувнинг механизмларини алоҳида ажратиб кўрсатиш ва автомобил транспорти тизими учун тадбиқ этиш маълум долзарблик касб этади. Уларнинг асосийлари сифатида қуйидагилар жуда муҳимдир:

- соҳанинг инвестицион фаолиятини тартибга солишнинг бозор механизми;

- инвестицион фаолиятни давлат томонидан меъёрий - ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш механизми;

- автомобил транспорти тизимининг инвестицион фаолиятини бошқаришнинг аниқ услубларини жорий этиш тизими;

- соҳага тегишли тузилмаларнинг ҳар бирининг алоҳида инвестицион фаолиятини ички механизмлар орқали тартибга солиш.

Автомобил транспорти тизимининг инвестицион фаолиятини бошқаришда маълум бир тамойилларга таяниш керак бўлади. Бу тамойиллар шундай бўлиши керакки, инвестицион фаолиятни бошқариш биринчидан, соҳани бошқаришнинг умумий тизими манфаатларига мос тушиши керак; иккинчидан, бошқарув қарорлари тизимли тавсифга эга бўлиши керак; учинчидан, бошқарув доимий ривожланиш хусусиятига эга бўлиши керак; тўртинчидан, бошқарув қарорларини қабул қилишда бир нечта вариантларни синаб кўриш керак; ва ниҳоят бешинчидан, бошқарув соҳаси ва унинг алоҳида тизимларини стратегик ривожланиш мақсадларини инобатга олиш лозим [1].

Автомобил транспорти тизими корхоналарининг инвестицион фаолиятини оширишга бир қанча макроиқтисодий омиллар ўз таъсирини ўтказмай қолмайди, албатта. Ушбу омилларни муҳимлилик даражаси ва соҳа учун аҳамиятлилик даражасига қараб қуйидагича тавсифлаш мумкин: мамлакат иқтисодиётида молиявий ресурслар шаклланиш жараёнларининг фаоллиги; ушбу ресурсларнинг инвестициялаш жараёнларида қай даражада фойдаланиш мумкинлиги даражаси; фоиз ставкаси ва унинг ўзгариши; инновацион технологик жараёнларнинг ривожланиш даражаси; мамлакатда инфляция даражаси ва нарх-наво; иқтисодий ўсиш ва пасайиш цикллари; инвестициялаш бозорининг ривожланиш даражаси; мамлакатда инвестицион муҳитнинг жозибadorлиги ва бошқалар.

Албатта, ушбу омилларнинг ҳар бири соҳанинг инвестицион муҳити жозибadorлиги ва фаоллигига қай даражада таъсир этишини аниқлаш, яъни ушбу омилларнинг соҳага инвестицияларни жалб этиш ҳамда унинг самарadorлигига таъсири корреляцияланишини аниқлаш, чуқур илмий таҳлил ва тадқиқотлар ўтказишни талаб этади.

Маълумки, инвестицион жозибadorликни аниқлашда ҳам маълум бир кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиладики, активлар (капитал) ни

шакллантириш манбалари, уларни жойлаштириш, молиявий барқарорлик, тўловга қобилиятлилик, фойда миқдори, капиталнинг айланиши ва унинг динамикаси кабилар шулар жумласидандир.

Инвестицион жозибадорлик кўрсаткичларини тизимли таҳлил қилишдан олдин, соҳа ва унинг корхоналари фаолияти буйича маълум ахборотларни тизимлаштириш зарур бўлади [2]. Биринчи навбатда автомобил - йўл тизими фаолияти йўналишлари ва кўрсаткичлари қисқа таҳлил қилинади ҳамда тегишли жадвалларга жамланади. Бундан ташқари, расмий ифодалаш имконини берадиган кўрсаткичлар, соҳанинг молиявий барқарорлиги кўрсаткичлари, ликвидлик кўрсаткичлари, тадбиркорлик фаолияти кўрсаткичлари ва рентабеллик даражаси таҳлил этилади.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, автомобил транспорти тизимидаги ҳар бир йўналишнинг, жумладан автомобил-йўл транспорти тизими корхоналари, юк ва йўловчиларни ташиш, йўлларни лойиҳалаштириш, уларни қуриш, эксплуатация қилиш, сервис тизими, инфратузилма ва бошқа корхоналарнинг ташқи инвестицияларни жалб қилиш бўйича потенциал имкониятларини алоҳида баҳолаш керак бўлади. Шунинг учун инвестициявий жозибадорлик ҳам ички, ҳам ташқи даражада таҳлил этилади. Эътиборингизни қуйидаги 1-жадвалга қаратмоқчимиз.

1-жадвал

Автомобил транспорти тизими инвестицион жозибадорлигини белгиловчи асосий кўрсаткичлар тизими [3]

№	Инвестицион жозибадорликни белгиловчи кўрсаткичлар тизими
1	2
1.	Автотранспорт корхонасидаги ривожланган корпоратив маданият тизими
2.	Автотранспорт корхонасида ресурслар базасининг мавжудлиги
3.	Автотранспорт корхонасида асосий ва айланма фондлардан фойдаланиш самарадорлиги даражаси
4.	Автотранспорт корхоналари ресурсларини бошқаришда қўлланиладиган усулларнинг инновационлик даражаси
5.	Автотранспорт корхоналарининг молиявий ҳолати ва кредит тўловларига қодирлилик даражаси
6.	Автотранспорт корхоналарининг ривожланишида инвестициялардан самарали фойдаланиш ҳолати
7.	Автотранспорт корхоналарининг фаолиятини ривожлантириш давлатнинг қўллаб-қувватлаш дастурларини амал қилиши
8.	Автотранспорт корхоналарида меҳнатга ҳақ тўлаш тизимининг ҳолати
9.	Автотранспорт корхоналарида ички инфратузилманинг ривожланганлик ҳолати

1-жадвалга эътиборни қаратадиган бўлсак, унда автомобил транспорти тизимининг инвестицион жозибадорлигини белгиловчи тўққизта асосий кўрсаткич келтириб ўтилган. Биз қуйида буларнинг айримлари хусусида қисқача тўхталиб ўтамыз:

- автотранспорт корхонасидаги ривожланган корпоратив маданият тизими ҳар қандай инвесторни безътибор қолдирмайди. Корхонада бошқарув қарорларини қабул қилиш механизмининг тезкорлиги ва сифатлилиги, раҳбар

ва ишчи-ходимлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар тизимининг самарали ривожланганлик даражаси, шунингдек корхона ходимларининг корхона миқозлари ва манфаати йўлида астойдил интилиши кабилар корпоратив маданият тизимини ташкил этади;

- автотранспорт корхонасида ресурслар базасининг мавжудлиги инвесторлар учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бунда корхона фаолияти учун ресурсларнинг ўз вақтида, сифатли ва рақобатбардош нархларда етказилишига ҳам эътибор қаратилади;

- автотранспорт корхонасида асосий ва айланма фондлардан фойдаланиш самарадорлиги даражаси инвесторларга қизиқиш уйғотади, яъни инвесторлар асосан асосий ва айланма фондларнинг янгилик даражасига эътиборни қаратадилар;

- автотранспорт корхоналари ресурсларини бошқаришда қўлланиладиган усулларнинг инновационлик даражасини билиш инвесторлар учун келажакда замонавий менежмент тизимини тушунадиган ва амалда қўллай оладиган бошқарувчилар билан ишлаш имкони мавжудлигига ишонч ҳосил қилишга қаратилади;

- автотранспорт корхоналарида ички инфратузилманинг ривожланганлик ҳолати инвесторлар томонидан катта қизиқишга сабаб бўлиши мумкин бўлиб, бу инвесторларнинг ички инфратузилмани шакллантириш ва ривожлантириш учун қанчалик даражада маблағ ажратиш кераклиги тўғрисидаги қарорни қабул қилишига туртки бўлади ва ҳ.к.

Иқтисодий тизим ҳисобланган автомобил-йўл комплексининг истиқболда ривожланиши учун йўналтирилиши лозим бўлган ва унинг потенциал самарадорлигини башорат қилишда таҳлилнинг статистик услубларидан, хусусан, корреляциявий-регрессиявий таҳлил услубларидан фойдаланиш аҳамиятли ҳисобланади.

Башорат қилишнинг мақсадларидан келиб чиққан ҳолда уларни икки турга бўлиш мумкин: меъерий услуб ва тадқиқотлар асосида ҳисоб китоблар ўтказиш услуби.

Меъерий услубда башорат қилиш объектнинг ривожланиш йўналишлари ва унинг лозим бўлган ҳолатини вақт оралиғида аниқлашга имкон берса, тадқиқотлар ўтказиш йўли билан башорат қилиш аниқ мақсад томон йўналтирилмасдан, балки объектнинг келажакда ривожланиш йўналишларини кўрсатиб беради.

Демак, тадқиқотларга асосланган башорат услуби объектнинг истиқболини аниқлашда унинг ўтган даврдаги ва ҳозирги ҳолатидан келиб чиқади, меъерий услубда эса башорат тескари йўналишда амалга оширилади, яъни келажак учун берилган ҳолатдан қўйилган мақсадга эришишнинг тенденциялари ва лозим бўлган ўзгаришлар йўналишлари аниқланади.

Иқтисодий манбаларда башорат қилишнинг турли услублари ва усуллари етарли тарзда баён этилган бўлиб, уларнинг барчаси қуйидаги услублардан фойдаланишни тавсия этишади: эксперт баҳолаш услуби, экстрополяция услуби, моделлаштириш, меъерий ва мақсадли услублар [3]. Тадқиқот мақсадларидан келиб чиқиб, ахборот таъминоти масаласини ечиш

учун ушбу услубларнинг айримларини ёки уларнинг бир нечасидан фойдаланиш мумкинлиги ҳал этилади.

Бизнинг фикримизча, инвестициявий бошқарувда моделлаштиришнинг экспоненциал текислаш услубини қўллаш яхши натижалар бериши мумкин. Ушбу услубнинг моҳияти шундаки, вақтли қаторда ўлчанган силжувчи ўртача қиймат текисланиб оғирликлар (миқдорлар) экспоненциал қонун ёрдамида тақсимланади. Ушбу ўлчанган ўртача сон динамик қаторнинг миқдорини тавсифлайди, яъни қаторнинг охириги даражасини аниқлашга имкон беради.

Биринчи даражали ўртача экспоненциал миқдор дастлабки қатор учун қуйидагича ёзилиши мумкин:

$$S_t^{(1)}(y) = \alpha \sum_{i=1}^n (1 - \alpha)^i y_{t-i} \quad (1)$$

Бунда $S_t^{(1)}(y)$ - биринчи қаторнинг экспоненциал ўртача миқдори, k -даражали ўртача экспоненциал миқдор бўлиб, тегишли тарзда, қуйидагича аниқланиши мумкин:

$$S_t^{(k)}(y) = \alpha \cdot S_t^{(k-1)}(y) + (1 - \alpha) \cdot S_{t-1}^{(k)}(y) \quad (2)$$

Башорат қилишнинг полином коэффициентлари, қатор сонлари миқдорини текислаш орқали топилиши мумкин ва чизикли модел учун унинг ифодаси қуйидаги кўринишга эга бўлиши мумкин:

$$\begin{cases} \alpha_0 = S_t^{(1)}(y) - S_t^{(2)}(y); \\ \alpha_1 = \frac{\alpha}{1-\alpha} \cdot (S_t^{(1)} - S_t^{(2)}(y)) \end{cases} \quad (3)$$

Бошланғич $S_{t-1}^{(1)}(y)$ ва $S_{t-1}^{(2)}(y)$ қийматлари (2) ифодага тренд тенгламаси динамик қаторини текислашда олинган b_0 ва b параметрларини қўйиш орқали ҳисобланиши мумкин.

Чизикли модел учун башорат қуйидагича ифодаланиши мумкин:

$$S_b = S_y \sqrt{\frac{\alpha}{(2-\alpha)^3} [1 + 4(1 - \alpha) + 5(1 - \alpha)^2 + 2\alpha(y - 3\alpha)l + 2\alpha^2 l^2]} \quad (4)$$

$$\text{Бунда, } S_y = \sqrt{\frac{\sum(y-y)^2}{n-2}};$$

Экспоненциал текислашга асосланган услубнинг асосий устунликларидан бири, соҳада иқтисодий жараёнларни нотекис кечиши шароитида, ахборотларнинг ўзгариши мумкинлиги ва шароитга мослашиш мумкинлигидадир, бу эса жуда катта амалий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Хулоса ўрнида мамлакатимиз автомобил транспорти тизимида инвестицион қўйилмалар самарадорлигини баҳолаш ва бошқариш механизмларини такомиллаштириш борасида қуйидаги фикр-мулоҳазаларимизни келтириб ўтмоқчимиз:

- автомобил транспорти тизимида инвестицион қўйилмалар самарадорлигини баҳолашда замонавий риск менежменти тизимини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу инвестицион қўйилмалар

самарадорлигига эришишга таъсир қилувчи риск ёки хавф-хатар омилларини юқори даражада ҳисобга олиш имконини беради. Бунинг учун биринчи навбатда, автомобил транспорти корхоналаридаги молия ва инвестиция масалалари билан шуғулланадиган бўлимлар таркибида риск менежмент масалалари бўйича тадқиқот олиб борадиган эксперт-мутахассислар гуруҳи ёки эксперт-мутахассиснинг фаолиятини йўлга қўйиш керак. Масалан, Япониянинг “Toyota” компанияси глобал бозорларда ўз ишлаб чиқариш структураларини ташкил этишдан олдин ушбу бозорлардаги риск даражасини баҳолашга эътиборни қаратади. Бу масала билан компаниядаги глобал риск менежменти департаменти мутахассислари шуғулланади;

- автомобил транспорти тизимида инвестицион қўйилмалар самарадорлигини баҳолашда автомобил транспорти корхоналаридаги ички инфратузилманинг ҳолатини баҳолашга муҳим эътиборни қаратиш керак. Бу тўғрисида биз юқорида қисқача тўхталиб ўтдик. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтишимиз керакки, мамлакатимиз автомобил транспорти корхоналарида ички инфратузилмани ривожлантиришга тизимли ва концептуал асосда ёндашилмайди. Бу эса ўз навбатида, ушбу корхоналарга йўналтириладиган инвестициявий қўйилмалар самарадорлигини баҳолашда ички инфратузилмани баҳолашга етарлича эътибор қаратилмаслигига олиб келади. Бунинг олдини олиш эса автомобил транспорти тизимининг инвестицион салоҳияти ва имкониятларини янада ошириш имконини беради.

Умуман олганда, автомобил транспорти тизимида инвестицион қўйилмалар самарадорлигини баҳолаш ва бошқариш тизимини янада такомиллаштириш борасида ушбу фикр-мулоҳазаларининг ҳисобга олиниши, бу соҳанинг янада ривожланишига муносиб ҳисса қўшади деб уйлаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Саматов Ғ.А. ва бошқ. Лойиҳаларни молиялаштириш. Тошкент: Фан ва технологиялар. 2004 - 252 б.

2. Блех Ю. Гетце У. Инвестиционные расчёты: модели и методы оценки инвестиционных проектов. Калининград: Янтарная сказка. 1997- 450с.

3. Щеглова И. В. Организационно-экономические методы повышения инвестиционной привлекательности автотранспортных предприятий. Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Санкт-Петербург. 2006 – 169 с.

4. Лешинский А.С. Оптимизация инвестиционных проектов предприятия в условиях рыночной экономики/ Экономика и математические методы. Вильнюс: Вильнюсский Университет. 1995 – 90 с.